

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ
ВА АМАЛИЁТИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ-АМАЛИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**«Адолат»
миллий ҳуқуқий ахборот маркази
Тошкент — 2021**

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

С 22

С 22

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти бўйича ўқув-амалий қўлланма. — Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази 2021 й. — 376. б.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси З.Низамходжаев, Давлат бошқаруви академияси ректори, профессор А.Бекмуродов ва Тошкент давлат юридик университети ректори, профессор Р.Ҳакимовларнинг умумий таҳрири остида.

Таҳрир ҳайъати:

Қ.Қуранбоев, А.Туляганов, Ж.Абдуллаев, М.Икромов, Х.Маматов, Б.Юнусов, Х.Палуаниязов, А.Қодиров, Б.Алимов, Б.Мусаев.

ISBN 978-9943-7293-0-8

УЎК: 342.8(083.132)

КБК: 67.400.5

Тузувчилар: *Ш. Файзиев, Х. Мухамедов, А. Йўлдошев, Ш. Асадов, М. Баратов, И. Беков, Х. Хайитов, Ш. Якубов, С. Муратаев, Д. Бекчанов, Э. Қодиров, Ж. Нематов*

ISBN 978-9943-7293-0-8

- © Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, 2021
- © Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021
- © «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари тизими

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа ҳисобланади. Чунки, бу давлат раҳбари – Президентни сайлаш билан боғлиқ ўта масъулиятли жараёндир. Зеро, мамлакатимиз келажаги, унинг янада тараққий топиши давлат раҳбари лавозимига энг муносиб номзодни сайлаш ҳамда бу жараёнда сайловчилар қабул қиладиган қарорга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни демократик тарзда очиқ ва ошкора ўтказиш билан боғлиқ масалалар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жорий йилнинг 24 октябрида бўлиб ўтадиган Президент сайлови миллий сайлов амалиёти ва халқаро сайлов меъёрларига мос равишда қабул қилинган сайлов қонунчилиги асосида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатлари тизими қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь);

- Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси (2019 йил 25 июнь) ;

- Ўзбекистон Республикаси «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонуни (1996 йил 26 декабрь), «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни (2004 йил 30 апрель);

- Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг ҳуқуқий мақомига оид нормалар билан бир қаторда сайловга оид тамойил ҳамда қоида-талаблар мустаҳкамланган.

Конституциямиздаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови билан боғлиқ қоида-талаблар муҳим аҳамиятга эга

бўлиб, биринчидан, фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлаш орқали мамлакат раҳбари бевосита сайловчилар томонидан сайланади, иккинчидан, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтларининг тобора ривожланиши асосида сиёсий партияларнинг давлат органларини шакллантиришдаги фаолиятини кафолатлайди, учинчидан, сайлов ҳуқуқи тамойиллари ва муддатлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мустақил сайлов комиссиялари томонидан амалга оширилиши таъминланади.

Конституциямизнинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкинлиги, шунингдек, жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас деб белгиланган. Ушбу норма президентлик сайловининг давлат тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Бундан ташқари, Асосий қонунимизнинг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиши билан боғлиқ норманинг белгиланиши уларнинг сайлов жараёнидаги конституциявий мақомини мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мақоми Конституциянинг 89-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилайдиган ва Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боровчи мансабдор шахс сифатида давлат раҳбарлигига номзодлар учун тегишли талаблар конституция даражасида мустаҳкамланган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 90-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимида ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Демак, Конституция ва сайлов қонунчилиги асосида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод учун белгиланган талабларни қуйидагича изоҳлаймиз:

1. Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаслиги. Давлат раҳбари сифатида уни бошқариш мақсадида президентлик сайловларида ўз номзодини илгари сураётган шахс муайян ҳаётий тажрибага эга бўлиши керак. Тажрибага бир неча йиллар давомида ҳаёт синовларидан ўтиш орқали эришилади. Шу жиҳатдан Президентликка номзод учун ёш цензи 35 ёш деб олинган. Одатда, шахс бу ёшга етгач, муҳим қарорларни қабул қилиш борасида ўз мустақил позициясига эга бўлади. Мазкур ёш цензи давлат ва жамиятни бошқаришда муайян ёш ва тажрибанинг аҳамияти катта эканлигидан келиб чиқиб белгиланган.

2. Давлат тилини, яъни ўзбек тилини яхши билиши. Бу ҳам жуда муҳим талаблардан бири бўлиб, Ўзбекистонни бошқаришга даъвогарлик қилаётган номзод, албатта ўзбек тилини яхши билиши зарур. Айниқса, сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат тилининг нуфузини юксалтиришга сиёсатнинг муҳим йўналиши сифатида эътибор қаратилаётган бир вақтда бу талабнинг аҳамияти янада ошиб бормоқда.

3. Бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган бўлиши. Ушбу талабнинг аҳамияти шундаки, муайян юртда муқим яшаган шахсгина шу мамлакатнинг мавжуд шарт-шароитларини, ютуқ ва камчиликларини, шунингдек ўз халқининг қувончу ташвишларини яхши билади. Шунинг учун бу юртда яшаётган аҳоли билан ҳамнафас бўлган, улар билан бир шароитда яшаган инсоннинг президентликка номзод сифатида кўрсатилиши мантиқан тўғри бўлади.

4. Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиши керак. Бу ҳам жуда муҳим талаблардан бири. Албатта, муайян мамлакатга раҳбарлик қилиш, уни бошқариш учун шу давлатнинг фуқароси бўлиш талаби алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу талаб орқали номзоднинг шу давлат фуқаролигига тегишлилиги акс эттирилган. Сайлов ва сиёсий жараёнларда фуқаролик масаласининг яна бир

муҳим жиҳати шундаки, бу мамлакатнинг кейинги тақдири билан боғлиқ. Фақат шу юрт фуқароси мамлакат тақдири ҳақида кўпроқ қайғуради. Шунинг учун нафақат, номзод кўрсатишда, балки сайловда иштирок этиш, овоз бериш учун ҳам фуқаролик талаби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 23-боби «Сайлов тизими»га бағишланган бўлиб, мамлакатимиз сайлов тизими-га оид муҳим тамойил ва нормаларни белгилайди.

Хусусан, Конституциямизнинг 117-моддасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ва ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, шунингдек, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги кафолатланган.

Бундан ташқари, ушбу моддада сайлов ҳуқуқининг муҳим принциплари мустаҳкамланган бўлиб, сайлов жараёнларини ҳалқаро сайлов стандартлари асосида очиқ-ошкора ва демократик тарзда ўтказишга имкон беради.

Сайлов ҳуқуқи принципларининг мазмун-моҳиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Умумий сайлов ҳуқуқи. Ушбу принципнинг моҳияти сайловларнинг умумийлигини, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгаллигини, шунингдек, фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгаллигини англатади.

Тенг сайлов ҳуқуқи. Мазкур принцип сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлишини, овозлар тенглигини англатади. Яъни, овозларни санашда битта сайловчининг овози бошқаси билан тенглигини, бирорта овоз бошқасидан устун эмаслигини ифодалайди. Шунингдек, сайловда иштирок этишдаги тенгликни ҳам қамраб олади.

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи. Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади. Бу принцип сайловчининг бевосита, яъни бирон-бир вакилсиз, тўғридан-тўғри ўзи овоз беришини англатади. Бир кишининг номидан бошқаси овоз бериши ушбу принципга зид ҳисобланади.

Яширин овоз бериш ҳуқуқи. Ушбу принцип мазмунига кўра, сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди. Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Ушбу конституциявий норманинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мамлакатимизда бўладиган сайловлар, шу жумладан, Президент сайловини ўтказиш муддатининг аниқ белгиланиши сайлов жараёни иштирокчиларининг муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик кўриши ва самарали иштироки учун муҳим ҳисобланади, иккинчидан, давлат органларининг даврий сайловлар асосида халқ томонидан шакллантирилишини таъминлашга хизмат қилади.

Сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари тизимида Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси муҳим аҳамиятга эгадир.

Сайлов кодекси лойиҳаси 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Кодекс лойиҳасини тайёрлаш давомида биринчидан, миллий қонунчилигимиз ва сайлов амалиёти таҳлил этилди, иккинчидан, 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг (Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларус, Озарбайжон ва бошқалар) илғор тажрибаси ўрганилди, учинчидан, халқаро ташкилотларнинг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш билан боғлиқ тавсиялари инобатга олинди.

Сайлов кодекси турли сайловларни ўтказиш билан боғлиқ 5 та қонун ва ўндан ортиқ меъёрий ҳужжатлар асосида қабул қилинган, ўзида 30 дан ортиқ янги демократик сайлов қоида-талабларни мужассамлаштирган ягона кодификациялашган ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси 2019 йил 25 июнда қабул қилинган бўлиб, 18 боб ва 103 та моддадан иборат. Сайлов кодексининг асосий янгиликлари қуйидагиларни ташкил этади:

1) Ўзбекистон Республикаси сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш тартиби жорий этилди;

2) муддатидан олдин овоз бериш ва сайлов куни овоз бериш учун ягона сайлов бюллетенини жорий этиш орқали «сайлов варақаси» тушунчаси чиқариб ташланди;

3) сайловларни ўтказиш ёки ташкил этишнинг бошқа масалалари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби киритилди;

4) сиёсий партиялар томонидан имзо йиғиш жараёнида сайловчиларнинг бир ёки бир нечта номзодларни ёхуд партияларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйиши мумкинлиги белгиланди;

5) овоз бериш жараёнида сайловчиларга бир нечта белгилардан (+, √, X) бирини қўйиш имконияти берилди;

6) сайлов участкасида овозларни санаш баённомасининг нусхасини дарҳол жойлаштириш тартиби белгиланди;

7) овоз бериш тугаганидан кейин участка сайлов комиссияси томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар (овозларни санаб чиқиш, баённома тузиш ва бошқ.) кўрсатилди;

8) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари томонидан участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш тартиби белгиланди;

9) сайлов комиссияси аъзолари учун янги талаблар ўрнатилиб, унга кўра номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди;

10) номзодлар ишончли вакилларининг Ўзбекистон Республикасидаги сафар харажатларини сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан тўланиши тартиби белгиланди;

11) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларнинг сайловда иштирок этишини чекловчи нормалар чиқариб ташланди;

12) сайловчилар рўйхатига ўзгартишлар киритиш сайловга беш кун қолганида тўхтатилиши белгиланди;

13) муддатидан олдин овоз бериш сайловга 3 кун қолганида тугаши белгиланди;

14) ташвиқот ишларини бошлашда барча номзодлар учун ягона муддат, яъни уларни рўйхатга олиш учун белгиланган охири куннинг эртасидан эътиборан бошланиши кўрсатилди ва бошқалар.

Сайлов қонунчилиги тизимида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг (бундан буён матнда Марказий сайлов комиссияси деб юритилади) қарорлари ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Сайлов кодексининг 16-моддасига асосан, Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари очиқ овоз бериш орқали, комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар комиссия Раиси томонидан имзоланади.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари қабул қилинган пайтдан эътиборан кучга киради ва Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда бошқа манбаларда эълон қилиниши лозим.

Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари, сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари билан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қоидалар, ташкилий чора-тадбир ва услубий кўрсатмалардан иборат низом, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар тасдиқланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ масалалар алоҳида ҳуқуқий тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари Сайлов кодексининг 12-бобида белгиланган бўлиб, қуйидаги нормалардан иборат: Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодга қўйиладиган талаблар (61-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи (62-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар томонидан тақдим

этиладиган ҳужжатлар (63-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби (64-модда); Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш (65-модда); Ўзбекистон Республикаси Президентлигига муддатидан илгариги сайлов (66-модда).

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиб, ўз сиёсий ғояси, дастури ва сайловолди платформаси асосида сайлов жараёнида кураш олиб борадилар.

Сайлов кодексининг 62-моддасига мувофиқ сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсата олади.

Шу кодекснинг 63-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши керак:

- сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза;

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган маълумотнома;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида беш кунлик муддат ичида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризаларнинг келиб тушиши навбати тартибида марказий матбуотда эълон қилинади.

Сайлов кодексининг 64-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир. Сиёсий партиянинг раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- сиёсий партия юқори органининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

- сиёсий партия юқори органи мажлисининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партиявийлиги кўрсатилади;

- Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси.

Сиёсий партия томонидан тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларида Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида бир фоизининг имзоси бўлиши керак. Бунда сиёсий партия битта маъмурий-худудий тузилмада (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) имзолар умумий сонининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни беш кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Кодекс талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва Сайлов кодекси талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига маълум қилади. Сиёсий партия ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва хатоларни икки кунлик муддатда тузатишга ҳамда уларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этишга ҳақли. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугалланишига етти кун қолганида якунлайди.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти

Мамлакатимизда сайлов қонунчилиги бошқа соҳалар каби жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда изчил равишда такомиллашиб бормоқда.

Мамлакатимизда ўтказилган турли сайловлар таҳлили, сайлов жараёни иштирокчиларининг таклифлари ва халқаро кузатувчиларнинг тавсиялари асосида 2021 йил 8 февралда ЎРҚ-670-сонли Ўзбекистон Республикасининг «Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди.

Мазкур Қонун билан қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонуни;
4. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси.

Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 117-моддасининг иккинчи қисмидаги «декабрь» деган сўз «октябрь» деган сўз билан алмаштирилди. Мазкур ўзгартишларни қабул қилишда қуйидаги миллий ва халқаро аҳамиятдаги омилларга таянилди:

- сайловчиларнинг билдирган хоҳиш-истаклари;
- сайлов комиссиялари аъзолари томонидан билдирилган таклифлар;
- хорижий мамлакатларнинг сайловларни ўтказиш тажрибаси;
- халқаро кузатувчиларнинг тавсиялари;
- сайлов жараёни иштирокчилари учун қулай шароит яратиш зарурияти ва бошқалар.

2. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида Ўзбекистон Республика-

сининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунининг 8-моддасига сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш билан боғлиқ қуйидаги қоида-талаблар киритилди, унга кўра «Сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан кўрсатилган номзодлар рўйхатга олинганидан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб варағига белгиланган тартибда ўтказилади. Сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган маблағлар сиёсий партия томонидан:

ташвиқот олиб боришга;

номзодларнинг ишончли вакиллари ва ташвиқот ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак». Мазкур норма орқали сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашишини молиялаштириш ва тегишли маблағларни мақсадли сарфлаш масалалари ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Шунингдек, мазкур қонун 16-моддасининг иккинчи қисми қуйидагича баён этилган: «Сиёсий партия ҳар йили қонунчиликда белгиланган муддатларда ҳамда тартибда молия органларига, давлат солиқ хизмати органларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигига ҳисобот даврида олинган ҳамда сарфланган молиявий ва бошқа маблағлар тўғрисида молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт. Сиёсий партия сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ўзига ажратилган давлат маблағлари юзасидан сайлов кунда оралиқ ҳисоботни, сайлов натижалари эълон қилинганидан кейин эса якуний ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади». Сиёсий партиялар молиявий ҳисоботларини тегишли органларга тақдим этиши ҳамда сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиши сайлов кампанияси даврида сиёсий партиялар маблағлари сарфланишининг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 25-моддаси учинчи қисмига «Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмас, бундан Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари мустасно» деган янги норма киритилди. Ушбу киритилган янгиликнинг аҳамияти шундаки, биринчидан, сайлов участкаси ташкил қилинган ташкилот ходимлари меҳнат фаолияти чекланишининг олдини олади, иккинчидан, участка сайлов комиссиясида қабул қилинадиган қарорларини коллегиялик асосда ҳолис қабул қабул қилинишини таъминлайди, учинчидан, участка сайлов комиссияси аъзолари томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилади.

4. Сайлов кодекси «27¹-модда. Чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхатларига киритиш» номли янги модда билан тўлдирилди. Мазкур моддада қуйидаги масалаларнинг ҳуқуқий тартиби белгиланди:

сайловчилар рўйхатини тузиш тартиби; чет давлатларда тузилган участка сайлов комиссиялари фуқароларни сайловчиларнинг рўйхати билан танишиш жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилиши; чет давлатлардаги фуқароларнинг сайловчилар рўйхатига киритиш учун сайловдан 15 кун олдин ўша жойдаги сайлов участкасига ёзма шаклда ёки электрон тарзда Ташқи ишлар вазирлиги веб-сайти орқали мурожаат қилиши; чет давлатлардаги фуқароларни сайловчилар рўйхатига киритиш масаласини ҳал қилиш; Ташқи ишлар вазирлигига сайловчилар рўйхатига киритилган фуқаролар ҳақидаги маълумотни тақдим этиш; Ташқи ишлар вазирлиги маълумотни Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига «Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати»га тузатишлар учун тақдим этади. Шунини таъкидлаш лозимки, мазкур янги моддада белгиланган қоидалар чет давлатлардаги Ўзбекистон фуқароларининг бўлажак Президент сайловида қатнашиш ҳуқуқини кафолатлашга хизмат қилади.

5. Сайлов кодексининг 32-моддаси иккинчи қисм билан тўлдирилиб, бунда Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлар-

даги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларидаги сайловчилар сони ҳақида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида Марказий сайлов комиссияси сайлов бюллетенларининг тайёрланиши ва етказиб берилишини таъминлаши билан боғлиқ масалаларнинг тартиби белгиланди.

6. Сайлов кодексининг 33-моддаси иккинчи қисмига киритилган янгиликлардан бири сифатида манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида сайлов комиссияларига ариза билан сайловдан камида ўн кун олдин ариза билан маълум қилиш муддати белгиланди. Илгари мазкур муддат ўн беш кунни ташкил этган. Бундан ташқари, кузатувчилар ҳарбий қисмларда, қамокда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларига бориши ҳақида камида уч кун олдин участка сайлов комиссиясини хабардор қилиши кераклиги белгиланди.

7. Сайлов кодексининг 42-моддасига киритилган янгиликларга асосан номзод сайловга қадар вафот этган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлган ёхуд номзодликдан чақириб олинган тақдирда нашр этилган сайлов бюллетенларидан ушбу номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилган сатр ўчирилади. Муддатидан олдин овоз бериш жараёнида бундай номзодни ёқлаб берилган овозлар участка сайлов комиссиялари томонидан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳақиқий эмас деб топилади. Ушбу тўлдиришнинг аҳамияти жуда муҳим бўлиб, унга кўра мазкур ҳолатларда бюллетенларни қайтадан чоп этиш ва ортиқча сарф-харажатлар олди олинади.

8. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида Сайлов кодексининг 44-моддасига мувофиқ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг, судьяларнинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг, диний ташкилотлар профессионал хизматчиларининг сайловолди ташвиқотини олиб бориши тақиқланди. Мазкур қоида сайловолди ташвиқотининг тенг имкониятлар ва шаффофлик асосида ўтказилишига, сиёсий партияларнинг ўз имкониятларидан тенг фойдаланишларига замин яратади.

9. ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг тавсиялари асосида қонун билан Сайлов кодексида сайлов комиссияларининг номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга оид вазифаси чиқариб ташланди. Яъни, сайловолди ташвиқотини ташкил этиш ва ўтказиш бевосита сиёсий партияларнинг ихтиёрий иши бўлганлиги сабабли, сайлов комиссияларининг бу ишга аралашиши уларга хос бўлмаган вазифа ҳисобланади (48-моддасининг иккинчи қисмига киритилган ўзгартиш).

10. Сайловчининг чет давлатда турган жойида овоз бериш тартибини белгиловчи 56¹-модда киритилиб, ушбу норма билан қуйидагилар белгиланди: чет давлатлардаги сайловчиларнинг сайловда муддатидан олдин овоз беришни турган жойида ўтказиши мумкинлиги; турган жойида овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчилар ва кузатувчиларни ОАВ орқали хабардор қилиш; турган жойида овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчилар ва кузатувчиларни ОАВ орқали хабардор қилиш; қўчма овоз бериш қутисини очиш, бюллетенларни санамасдан махсус қопга жойлаш, сургучлаш ва далолатнома тузиш ҳамда сайлов куни санок бошлангунга қадар сақлаш.

11. Сайлов кодексининг 99-моддаси тўртинчи ва бешинчи қисмлар билан тўлдирилиб, бунда сайлов комиссияларининг аъзоларига сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир харажатлар сметасида кўрсатилган миқдорда транспорт, овқатланиш харажатларининг ва бошқа харажатларнинг ўрнини қоплаш мақсадида компенсация тўланиши белгиланди.

Шунингдек, сайлов комиссиясининг доимий иш жойига эга бўлмаган аъзоларига, шу жумладан пенсионерларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланади. Мазкур норма муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг меҳнатига ҳақ тўлаш орқали уларнинг фаолияти моддий жиҳатдан рағбатлантирилади, иккинчидан, бўлажак сайловларга тайёргарлик кўриш ва демократик тамойиллар асосида сайлов жараёнларини очиқ ва ошкора ўтказилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар асосида миллий сайлов тизими ва қонунчилиги тобора такомиллашиб бормокда. Хусусан, 2021 йилда «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги

Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонун мамлакатимизда ўтказилган сайловлар таҳлили ва ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган тавсиялари бўйича ишлаб чиқилган.

«Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан Сайлов кодексининг қатор моддаларига қуйидаги мазмундаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди:

– 14, 20, 22, 101 ва 102-моддаларида юқори турувчи сайлов комиссияларининг ваколатларидан қуйи турувчи сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш чиқариб ташланди;

– 21-моддада Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссия раиси, раис ўринбосари, котиби ва саккиз – ўн саккиз нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилади;

– 31-моддадан сайлов бюллетенида номзоднинг эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури), иш жойи кўрсатилиши ҳақидаги норма чиқариб ташланди;

– 38-моддада сайловларда сиёсий партия ёки номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишда фуқаролар паспорт билан бир қаторда идентификация картаси орқали ҳам шахсини тасдиқлаши мумкинлиги белгиланди;

– 48-моддада сайловчилар билан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликлари камида уч кун олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилиши, бунда, ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатнома талаб этилмаслиги каби нормалар белгиланди.

Сайлов қонунчилигига киритилган янгиликлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, миллий сайлов қонунчилигимизни умумэътироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида янада такомиллаштиришга ва сайлов жараёнлари иштирокчиларининг сайловга оид ҳуқуқларини кафолатлашга хизмат қилади.

Назорат учун саволлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид қонунчилик ҳужжатларини санаб беринг?
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қўйилган талаблар нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига асосан кимлар Президентликка номзод қўйиш ҳуқуқига эга эмас?
4. Сайлов қонунчилигига асосан сайлов ҳуқуқининг принципларини тушунтириб беринг?
5. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кимлар томонидан кўрсатилиши мумкин?
6. Ўзбекистон Республикаси Президент сайловини ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
7. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш тартибини тушунтириб беринг?
8. Президент сайловини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қандай низомлар қабул қилинган?
9. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига сайлов тизими-ни такомиллаштириш юзасидан қандай ўзгартиш киритилган?
10. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига участка сайлов комиссия аъзоларини шакллантириш билан боғлиқ қандай ўзгартишлар киритилди?
11. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кузатувчилар фаолияти билан боғлиқ қандай ўзгартишлар киритилди?
12. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига чет элда яшовчи Ўзбекистон фуқароларининг сайловда иштирок этиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида қандай ўзгартишлар киритилди?
13. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ қандай ўзгартиш киритилди?
14. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига киритилган ўзгартишларга асосан сайлов комиссияси аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш бўйича қандай янгиликлар киритилди?
15. «Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига киритилган янгиликлар нималардан иборат?